

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2021.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯХШИЛИКОВ ЖАСУР ЖУРАБОЕВИЧ

ХУДУДЛАРНИНГ САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИ
РИВОЖЛАНИШИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ
(Самарқанд вилояти мисолида)

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Economic Sciences**

Яхшиликков Жасур Журабоевич

Худудларнинг саноат ишлаб чиқариш салоҳияти ривожланишини
эконометрик моделлаштириш (Самарқанд вилояти мисолида)3

Яхшиликков Жасур Журабоевич

Эконометрическое моделирование развития промышленного
производственного потенциала регионов (на примере Самаркандской
области)29

Yaxshilikov Jasur Juraboevich

Econometric modeling of industrial production potential development of regions
(on the example of Samarkand region)55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works59

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2021.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЯХШИЛИКОВ ЖАСУР ЖУРАБОЕВИЧ

ХУДУДЛАРНИНГ САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИ
РИВОЖЛАНИШИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ
(Самарқанд вилояти мисолида)

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ўқ1355 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Махмудов Носир Махмудович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Салимов Бахтиёр Таджиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хатамов Очилди Қурбонович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2021.I.16.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси 49. Тел.: (99871) 239-01-49, 239-28-78, факс: (99871) 239-27-23, e-mail: info@tsue.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети нинг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси 49. Тел.: (99871) 239-01-49, 239-28-78.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.К. Абдурахманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Д. Хажиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришда инновацион ёндашувга алоҳида эътибор қаратилаётгани сабабли соф кўшилган қиймат яратишда саноат ишлаб чиқаришининг ўрни бекиёс бўлиб қолмоқда. Саноат тармоқларининг ялпи ишлаб чиқаришдаги улуши кўп жихатдан мамлакат ҳудудларидаги саноат ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланишга боғлиқ. Бугунги кунда “жаҳон ялпи ички маҳсулотида тармоқлар бўйича кўшилган қийматнинг 26,0 фоизи ҳамда жами бандликнинг 23,1 фоизи айнан саноат ҳиссасига тўғри келади”¹. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида, айниқса кўшилган қийматнинг аҳамияти ва юқори технологияларга асосланган маҳсулотларга бўлган талабнинг ортиши мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш долзарб муаммо ҳисобланмоқда.

Жаҳонда глобаллашув жараёни чуқурлашиб бориши шароитида, айниқса ҳудудлардаги саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши талабларига мувофиқ ҳолда ривожлантириш, ҳудудий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш каби йўналишидаги тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда ҳудудий имкониятлар негизида саноат ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш, унинг таркибий тузилмасини кўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар ҳисобидан такомиллаштириш, тармоқ-ҳудуд интеграциясини чуқурлаштирган ҳолда ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш, иқтисодий ишлаб чиқариш жараёнларини моделлаштириш каби тадқиқотларга устувор даражада қаралмоқда.

Ўзбекистонда саноат соҳаларини сифат жихатдан жадал ривожлантириш ва модернизациялаш, экспортда саноат маҳсулотларининг улушини ошириш, импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш ҳамда ҳудудларда саноат ишлаб чиқаришини ривожланишга қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. “Гарвард университети тадқиқотларига кўра, мамлакатимиз 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликларга эга. Айниқса, нефтгаз-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ҳамда “яшил иқтисодиёт” билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз “драйверлари”га айланиши учун барча етарли шароитлар мавжуд”². Шунга кўра, ҳудудларнинг саноат ишлаб чиқариш салоҳияти ва ҳудудий саноат сиёсати самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир кўрсатувчи омилларни эконометрик баҳолаш, саноат тармоғи салоҳиятини ошириш, ҳудуд саноат ишлаб чиқариш салоҳиятининг прогноз

¹ <https://data.worldbank.org/indicator/NV.IND.TOTL.ZS>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. - <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

кийматларини ишлаб чиқиш йўналишидаги тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон ““Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2022 йил 24 январдаги ПҚ-99-сон “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-72-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини бошқаришнинг янги ёндашув ва механизмларини жорий этиш тўғрисида”, 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4937-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишига доир устувор йўналишларга мослиги. Мазкур илмий-тадқиқот иши республикада фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Худудий иқтисодий муаммоларни илмий ўрганиш ва уларни бартараф этиш масалалари доимо иқтисодчи олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Жумладан, мазкур масаланинг назарий ва амалий жиҳатларига, худудий рақобатбардошлигини ошириш масалаларига хорижлик иқтисодчи олимлардан, хусусан, Б.Роберт, М.Фужита, П.Кругман, А.Венаблес, М.Энрайт, Б.Шаун, Х.Гленнлар жуда кенг ҳисса қўшганлар³.

МДХ давлатларининг иқтисодчи олимларидан А.Г.Гранберг, Ю.А.Гаджиев, О.Г.Дмитриева, Н.Зубаревич, С.В.Казанцев, И.Н.Меренкова, А.Н.Носов, О.И.Пантелеева, Д.Сепик, Л.А.Серебряковалар худудий иқтисодий ривожланишнинг назарий масалалари, худудий иқтисодий ўсиш ва ривожланишни бошқариш, минтақавий иқтисодиёт ривожланишини ташхислаш, худудий иқтисодий салоҳиятни ва рақобатбардошликни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратганлар⁴.

³Roberts B. National and regional corporate spatial structure / B. Roberts, A. Murray // The Annals of Regional Science. 2002. Vol. 36.; Fujita M., Krugman P., Venables A.J. The Spatial Economy: Cities, Regions and International Trade. - The MIT Press, 2001. P. 384. Enright M. The Geographical Scope of Competitive Advantage // Stuck in the Region? Changing scales for regional identity / Ed. By E. Dirven, J. Groenewegen and S. van Hoof. Utrecht, 1993. P. 87102. B.Shaun and H. Glenn. Microregionalism and world order: concepts, approaches and implications. London: Palgrave Macmillan, 2003. P. 272.

⁴Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. М.: ГУ ВШЭ, 2003. - 52 с.; Гаджиев Ю.А. Зарубежные

Бошқа мамлакатлар сингари республикамізда ҳам ҳудудий иқтисодий ривожлантириш ва уни бошқариш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалалари республикаміз иқтисодчи олимларининг бу борадаги илмий қизиқишлари предмети бўлиб келмоқда.

Жумладан, ҳудудий саноат мажмуаларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишини моделлаштириш, минтақаларни мажмуали ривожлантириш, ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил этиш ва уни бошқариш, Ўзбекистон минтақалари рақобатдошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш каби масалалар республикаміз иқтисодчи олимларидан С.С.Ғуломов, Н.М.Махмудов, А.М.Содиқов, Б.Рўзметов, Т.М.Ахмедов, Ш.Б.Имомов, А.А.Қаюмов, Ф.Т.Эгамбердиев, А.М.Қодиров ва Ш.Х.Назаровларнинг илмий изланишларида кенг ўрин олган⁵.

Бироқ, юқорида қайд этилган илмий тадқиқотларнинг аксарияти бевосита минтақаларни умумижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш масалаларига бағишланган бўлиб, танланган тадқиқот мавзуси алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Шунингдек, республикада олиб борилган тадқиқотларнинг аксариятида нисбий устунлик минтақаларни комплекс ривожлантириш масалаларига бағишланган. Бу эса тадқиқ этилаётган ҳудуднинг ҳозирги ривожланиш шароитидан келиб чиққан ҳолда саноатни барқарор ривожлантириш ва унинг саноат ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўналишлари тўғрисида мажмуавий тасаввур бермайди ҳамда Самарқанд вилоятида саноат тармоғини ривожлантиришнинг кўзланган мақсадига эришишини таъминламайди.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда қўйилаётган муаммога етарлича эътибор қаратилмаганлиги ва унинг мунозарали характерга эга эканлиги кўриб чиқилаётган масалага янгича илмий ёндашувни талаб этади

новые теории регионального роста и развития // “Корпоративное управление и инновационное развития Севера”. Вестник Сыктывкарского государственного университета. 2008 №2; Дмитриева О.Г. Региональная экономическая диагностика. СПб.: Изд-во СПб. Университета экономики и финансов, 1992.; Зубаревич Н. Региональное развитие и институты // Экспертный портал Высшей школы экономики “Открытая экономика” - OPEC.ru; Казанцев С.В. Потенциал экономики регионов России как основа их внутренней конкурентоспособности // Регион, 2004, №1; Меренкова И.Н. Диагностика уровня развития сельских территорий // “Региональная экономика: теория и практика”, 2010, №24; Носов А.К. Управление взаимоотношениями в региональной кластерной структуре, связанной цепью поставок // “Логистика и управление цепями поставок”, 2009, №6; Пантелеева А.П. Применение индикаторов устойчивого развития на региональном и муниципальном уровнях // “Региональная экономика: теория и практика”, 2010. №22; Сепик Д. Индикаторы конкурентоспособности регионов: европейский подход // «Регион: экономика и социология», 2005, №2; Серебрякова Л.А. Методы оценки уровня социально-экономического развития регионов // Вестник СевКавГТУ, серия “Экономика”, 2003, №3.

⁵ Гулямов С.С. Моделирование социально-экономического развития территориально-промышленных комплексов. Т.: Фан, 1980. - 194 с.; Махмудов Н.М. Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш. Дарслик, Т.: “Фан ва техника”, 2014. 18 б.; Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика // Монография. Т.: IQTISOD - MOLIYA, 2005. - 280 с.; Рузметов Б. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ. Автореф. дис....докт. экон. наук. Ташкент. 1998; Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. Т.: ФАН, 1992; Имамов Ш.Б. Регулирование территориального развития экономики Узбекистана: Автореф. дис....докт. экон. наук. Т.: 1998; Қаюмов А.А., Назарова Х.М., Эгамбердиев Ф.Т., Якубов Ў.Ш. Минтақавий иқтисодий. Т.: Университет, 2004; Назаров Ш.Х. Ўзбекистон минтақалари рақобатдошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. Т.: 2016. - 5 б.

ҳамда танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини, мақсадини ва унда ечиладиган масалалар доирасини белгилашга кенг имкониятлар яратиб беради.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Самарқанд вилояти саноати ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳамда унинг эконетрик моделлаштириш таъминотини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳудудларда саноатни ривожлантиришнинг аҳамиятини очиқ бериш ва республика ҳудудлари саноат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

ҳудудларда саноат тармоқларини самарали жойлаштириш қонуниятлари ва саноатни ҳудудий ташкил этиш омилларини ёритиш;

ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишда саноат сиёсатининг ролини кўрсатиб бериш;

республика саноатини ривожлантиришда Самарқанд вилоятининг тутган ўрни ва вилоят саноати ривожланиш тенденциясининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

Самарқанд вилояти саноатининг тармоқ, ҳудудий тузилишлари ва уларни баҳолаш;

Самарқанд вилоятида саноатни ривожлантириш омиллари, ҳудудий шарт-шароитлари ҳамда манбаларини баҳолаш;

Самарқанд вилояти саноат салоҳиятини моделлаштириш ва шунинг асосида вилоят саноатининг экспорт ва инвестицион салоҳиятини ошириш йўналишларини аниқлаш;

Самарқанд вилоятида саноат ишлаб чиқариш ҳажмини прогнозлаш ва ҳудудий саноат салоҳиятини баҳолаш имкониятларини такомиллаштириш;

Самарқанд вилояти саноати ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишни эконетрик моделлаштиришни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Самарқанд вилояти саноат ишлаб чиқариш салоҳияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб Самарқанд вилоятининг саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш ва самарали фойдаланишни ташкил этиш жараёнидаги иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда мантиқий фикрлаш, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил, иқтисодий математик моделлаштириш, эконетрик, гуруҳлаш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига саноат маҳсулотларининг экспортдаги улушининг миқдорий таъсирини эконетрик баҳолаш модели-

нинг такомиллашган $Q = 1,21364K^{0,3242}L^{7,0763}QE^{0,6185}$ варианты ишлаб чиқилган;

худуд саноати салоҳияти ва самарадорлигининг баҳолашнинг ресурс салоҳияти, функционал-салоҳиятли, оптимизацион ва натижавий-мақсадли ёндашувини худудда ишлаб чиқарилган брендлар, тармоқда банд бўлган тадқиқотчилар ҳамда оид лицензия ва патентларни эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш таклиф қилинган;

саноат ишлаб чиқариш салоҳиятига, жумладан маҳсулотлар экспорти улушининг ортишини эътиборга олган ҳолда Самарқанд вилояти саноат тармоқларини ривожлантиришнинг 2026 йилгача бўлган прогнози параметрлари ишлаб чиқилган;

саноат тармоқлари салоҳиятини оширишга ёндашув тармоқ-худуд имкониятларини уйғунлиги билан бир қаторда саноат ишлаб чиқари корхоналари ва илмий ташкилотлар интеграциясини самарали ташкил этишга устуворлик беришга кўра такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

вилоят саноати ривожланишининг худудий омиллари аниқланиб, худуднинг саноат тармоқлари ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш асосида вилоят саноати ҳолати баҳоланган;

худуд саноатининг интенсив ўсиш суръатларига таъсир этувчи омиллар аниқланган ва саноат ишлаб чиқаришнинг ялпи худудий маҳсулотга таъсири баҳоланган;

вилоятда саноатни барқарор ривожлантириш имкониятлари баҳоланган ҳамда худудий саноат ишлаб чиқаришни мутаносиб ривожлантириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда фойдаланилган ахборот базасининг ишончлилиги уларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг бу борадаги етакчи олим ва мутахассисларнинг назарий қарашлари ҳамда илмий-амалий ишланмаларига асосланганлиги, худудий ва республика саноатини барқарор ривожлантириш бўйича қабул қилинган устувор йўналиш ва дастурларга қай даражада мослиги ҳамда тегишли хулосаларни худудий мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этишга қабул қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ёритилган микдорий усуллар ва илмий хулосалардан худудий саноат тармоқларининг ривожланиш тенденциясини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ўзгаришларини баҳолаш, олинган натижалардан худудий саноат тармоқларини узоқ муддатли ривожлантириш истиқболларини белгилаш ва бу борада муҳим қарорлар қабул қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса диссертацияда олинган таҳлилий маълумот ва таклифлардан Самарқанд вилояти ҳокимлиги амалий фаолиятида фойдаланилганлиги, хусусан, амалиётга тақдим этилган асосий хулоса ва прогноз натижалари асосида вилоят саноати ривожланишининг истиқболдаги вариантларини ҳамда дастурли иқтисодий ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқиш имкониятларининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Худудларнинг саноат ишлаб чиқариш салоҳияти ривожланишини эконометрик моделлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига саноат маҳсулотларининг экспортдаги улушининг миқдорий таъсирини эконометрик баҳолашнинг ишлаб чиқариш моделининг такомиллашган варианты Давлат статистика қўмитаси томонидан худудлар саноат салоҳиятини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 16 июндаги 01/1-04-18/2-140-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар худудларда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини баҳолашнинг аниқлик даражасини ошириш негизида мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланишга хизмат қилган;

худуд саноати салоҳияти ва самарадорлигини функционал-салоҳиятли, оптимизацион, ресурс салоҳияти ва натижавий-мақсадли ёндашув негизида баҳолашнинг такомиллашган ёндашувидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан саноат статистикаси услубий асосларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 16 июндаги 01/1-04-18/2-140-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида саноат статистикасига оид таҳлилий жадваллар, бюллетенлар ҳамда пресс-релизларни тайёрлашда кенг қамровли таҳлил қилиш имкониятлари кенгайтирилган;

Самарқанд вилоятида саноат тармоқларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган ўрта муддатли прогноз кўрсаткичлари “Ўзсаноатқурилиш-материаллари” уюшмаси фаолиятида худудий ишлаб чиқариш дастурларини тайёрлашда фойдаланилган (“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг 2022 йил 20 июндаги 05/15-1524-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар худудда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш бўйича қўшимча имкониятларни амалиётга жалб қилинишига хизмат қилган;

саноат тармоқлари салоҳиятини оширишга ёндашувни такомиллаштиришга оид таклифлар “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси томонидан худудий ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастурларини тайёрлашда фойдаланилган (“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг 2022 йил 20 июндаги 05/15-1524-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар саноат тармоғи салоҳиятини оширишда интеграцион жараёнларни чуқурлаштириш ва қўшилган қиймат занжири самарадорлигини ошириш бўйича имкониятларнинг кенгайтирилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда ҳамда 6 та маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 137 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Худудий иқтисодиётни ривожлантиришда саноат тармоғининг тутган ўрни ва саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида худудий саноат ривожланиши аҳамияти ва саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини белгиловчи омиллар мажмуи, саноат салоҳиятидан самарали фойдаланиш омиллари ҳамда худудий иқтисодиётни ривожлантиришда саноат салоҳиятидан фойдаланиш даражасини баҳолаш усуллари назарий жиҳатдан ёритилиб берилган.

Маълумки, саноат ўзининг қўшимча қиймат яратиши, аҳоли эҳтиёжини қондиришдаги ўрни ва юқори даражага эга бўлган ишлаб чиқариш локомотиви билан бошқа соҳа ва тармоқлардан тубдан фарқ қилади. Худудларда саноат тармоғининг ривожланиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатлар билан ривожланишига олиб келади. Ваҳоланки, жаҳон тажрибаси ҳам ҳар қандай давлат учун иқтисодий муваффақиятларнинг аксарияти саноатда, айниқса, қайта ишловчи саноатда чуқур тузилмавий ўзгаришлар билан изоҳланади⁶.

Шу боис, саноатни ривожлантириш ва унинг иқтисодиётни такомиллаштиришда асосий аҳамият касб этиши билан иқтисодчи олимларнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Фикримизча, саноатнинг барқарор ривожланиши – ишлаб чиқаришнинг муайян вақт давомида миқдор жиҳатдан ўсиб, сифат жиҳатидан такомиллашуви сифатида ифодалаш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, иқтисодий жараёнлар рақамлар асосида бошқарилади ва ривожлантирилади. Шундай экан, саноатни ривожлантиришда ҳам кўрсаткичлар (тизими) муҳим аҳамият касб этади.

Аммо, саноат тармоғининг ривожланишини битта ёки бир неча кўрсаткичлар билан яққол ифода этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мазкур жараёнда кўрсаткичлар тизимини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотдан келиб чиққан ҳолда кўп қиррали саноатнинг

⁶ UNIDO. Industrial Development Report 2016. The Role of Technology and Innovation in Inclusive and Sustainable Industrial Development. Vienna, Austria. 2015. <http://www.unido.org>

ривожланишини ўзида ифода этувчи кўрсаткичлар тизимини “кўлам” нуқтаи назаридан шартли равишда *тўрт даражага* ажратилди:

макродаражада: ЯИМда саноатнинг улуши, ялпи саноат маҳсулоти ҳажми, аҳоли жон бошига ялпи саноат маҳсулоти, ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда кўшилган қийматнинг улуши, казиб олиш ва қайта ишлаш тармоқларининг улуши, ялпи ишлаб чиқаришда экспортнинг улуши, саноатда яратилаётган янги иш ўринлари ва кичик бизнес субъектларининг сони, макродаражада саноатдаги омиллар умумий самарадорлиги (*TFP - total factor productivity*), давлат бюджетидан саноат тармоғига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми, саноат тармоқларига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажми, жаҳон бозорида тармоқнинг юқори технологияли маҳсулотдаги улуши, макродаражада тармоқнинг капитал (фонд), материал (ресурс), фан - техника, энергия, табиат ва меҳнат сиғимлари, тармоқда меҳнат унумдорлиги ҳамда меҳнатнинг капитал билан қуролланганлик даражаси.

минтақа даражасида: ЯҲМда саноатнинг улуши, ялпи ҳудудий саноат маҳсулоти, саноат ишлаб чиқариш ҳудудий концентрация даражаси (%), ҳудудда ишлаб чиқаришнинг локализация ва ҳудуднинг саноатни муайян тармоғига ихтисослашиш даражаси (коэффициент), ҳудудда саноат маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси.

мезодаражада: саноатда яратилган ялпи кўшилган қиймат, тармоқ экспорт тузилишида юқори технологияли маҳсулотнинг улуши, ялпи саноат ишлаб чиқаришида тармоқларнинг улуши, ишлаб чиқарилган дунё брендларининг миқдори, тармоқда банд бўлган юқори малакали муҳандис ва тадқиқотчилар сони, тармоққа тегишли бўлган лицензия ва патентлар сони, тармоқнинг дефицит ресурслардан фойдаланиш даражаси (фоизда).

микродаражада: саноат маҳсулотининг энергия ва материал сиғими, ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражаси, саноат жиҳозларининг янгиланиш даражаси, жиҳозларнинг эскириш коэффициенти, умумий жиҳозлар ҳажмида 10 йилгача хизмат қилган машина ва жиҳозларнинг улуши.

Муҳими бу борада саноатнинг барқарор ривожланишига хизмат қилувчи омиллар бўлиб, уларни биз шартли равишда икки гуруҳга ажратдик. Булар саноатнинг барқарор ривожланишига хизмат қилувчи ички омиллар ва ташқи омиллардир.

Ҳудуд саноатининг барқарор ривожланишини белгилаб берувчи асосий ташқи омилларга қуйидагилар киради:

- ҳудуднинг қулай географик жойлашуви;
- кўшни ҳудуд ва давлатларнинг ривожланганлик даражаси;
- мамлакатнинг жаҳон бозорларига бевосита чиқиш имкониятлари;
- жаҳон бозоридаги конъюктуравий ўзгаришлар ва ҳоказо.

Ҳудуд саноатининг барқарор ривожланишини белгилаб берувчи асосий ички омилларга эса қуйидагилар киради:

▪ ҳудуднинг табиий хом ашё ресурслари билан таъминланганлик даражаси;

- ҳудуддаги ишчи кучининг миқдори ва сифати;
- ҳудуддаги асосий капиталнинг миқдори ва сифати;
- ҳудуднинг кадрлар салоҳияти ва тармоқни ривожлантиришга хизмат килувчи кучли қонунчилик базасининг мавжудлиги;
- ҳудуддаги саноат тармоқларининг рационал жойлашганлиги;
- ҳудуддаги қулай инвестицион муҳит ва инвестицион жозибадорлик;
- ҳудуддаги ишлаб чиқариш инфратузилмаларининг ривожланганлик даражаси ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган ҳудуд саноатининг барқарор ривожланишини белгилаб берувчи аксарият ички омиллар ҳудуддаги “саноат ишлаб чиқариш салоҳияти”ни ҳам белгилаб беради.

Бундан ташқари, саноат ва унинг тармоқларида ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишнинг муҳим омили бу - тармоқни самарали инвестициялаш масаласидир. Шунингдек, саноат тармоқларига хизмат кўрсатувчи мавжуд инфратузилма ҳолатининг ўрни беқиёсдир.

Умуман олганда, “саноат салоҳияти” иқтисодий категория сифатида мураккаб тушунча бўлганлиги боис, уни ташкил этувчилари ҳам кўплаб унсурлардан иборат бўлади. Шунинг учун биз дастлаб, ишлаб чиқариш салоҳиятини, сўнгра эса, ундан фойдаланиш даражасини баҳолаш масалаларини кўриб чиқишимиз мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш саноат тармоғида бир вақтнинг ўзида барча эга бўлган ресурслардан рационал фойдаланиш орқали юқори яқуний натижага эришишни кўзда тутди. Ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланишнинг натижавийдорлигини баҳолашда бир қанча ёндашувлар мавжуд бўлиб, жумладан, функциоанал-салоҳиятли, натижавий-мақсадли ва оптимизацион ёндашувлар қўлланилади⁷:

- функционал-салоҳиятли ёндашув:

$$R_{ep} = f(P_v - F_v) \rightarrow \min H_n$$

Бунда P_v - тармоқнинг салоҳиятли имкониятлари, F_v - амалда ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш даражаси, H_p - ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш даражасидан йўқотишлар.

Агар $P_v = F_v$ бўлса, у ҳолда салоҳиятли имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаётган ҳолат юзага келади.

- натижавий - мақсадли ёндашув:

$$R_{ep} = Ef_{ep} / Ts$$

Бунда Ef_{ep} - самарадорлик катталиги (режалаштирилган, прогнозланган, амалдаги) бўлиб, қайсики у қиймат ёки натурал шаклда ифодаланади, Ts - режалаштирилган, прогнозланган ёки тармоқ фаолиятининг (қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболда) амалга оширилган мақсадини ўзида ифода этади.

⁷ Управление экономическим потенциалом организации: учебное пособие / А.П. Романов, Г.Г.Серебренников, В.М. Безуглая, О.В. Кириллина, М.К. Чарькова. - Тамбов : Изд-во ФГБОУ ВПО “ТГТУ”, 2012. - 73 с.

Ресурс салоҳияти ёндашуви асосида тармоқнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан (шу жумладан унинг таркибидан) фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда интеграл баҳолаш қийматидан фойдаланилади ва у самарадорликнинг ўзгарувчан ресурслар қиймати (R_p)га нисбати орқали аниқланади ҳамда қуйидагича топилади:

$$Ef_{ep} = E_p / R_p$$

Диссертациянинг “Самарқанд вилояти саноат салоҳиятининг ривожланиш тенденцияси ва унга таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили” деб номланган иккинчи бобида Самарқанд вилояти саноат салоҳияти ривожланиш тенденциясининг математик статистик таҳлили, унинг ривожланиш тенденциясига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили ҳамда унга таъсир этувчи омиллар динамикаси барқарорлигининг эконометрик таҳлили амалга оширилган.

Маълумотларга кўра, 2020 йилда республика ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) 602551,4 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, уни шакллантиришда Самарқанд вилоятининг улуши 7,27 фоизни ёки 43834,7 млрд. сўмни ташкил этган. Шу даврда ЯИМнинг ўсиш суръати 101,7 фоизни ташкил этган бўлиб, республика ҳудудларида ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)нинг ўсиш суръати ўртача 102,8 фоизни, мазкур кўрсаткич Самарқандда 102,4 фоизни ташкил этган. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯҲМ 11204,0 минг сўмни ва унинг ўсиш суръати эса 100,5 фоизни ташкил этган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2010-2020 йиллар мобайнида республика ЯИМда Самарқанд вилоятининг улуши ўртача 8,1 фоизни ташкил этган бўлса, вилоятнинг жами қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотларидаги ўртача улуши эса 14,4 фоизни, саноат маҳсулотларидаги ўртача улуши 5,7 фоизни, қурилишдаги ўртача улуши 7,2 фоизни ва хизматлардаги ўртача улуши 6,9 фоизни ташкил этган.

Аммо, 2010-2020 йиллар мобайнида вилоят кўрсаткичларининг республика кўрсаткичларидаги улуши бўйича таҳлиллардан кўриниб турибдики, 2020 йилда ЯИМда вилоятнинг улуши (2010-2020 йиллар мобайнидаги ўртача улушига нисбатан) 0,8 фоизга, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотларидаги улуши 1,5 фоизга, саноат маҳсулотларидаги улуши 0,7 фоизга, қурилишдаги улуши 0,7 фоизга ва хизматлардаги улуши 0,5 фоизга камайиб кетган. Албатта, 2020 йилда кўрсаткичларнинг бундай пасайишини COVID-2019 пандемияси туфайли вужудга келган “Иқтисодий турғунлик” ёки “Иқтисодий инқироз” билан изоҳлаш мумкин.

Вилоятнинг ЯҲМ таркибида тармоқларнинг ялпи қўшилган қийматида энг юқори улушни қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 45,3 фоизни ташкил этган бўлсада, мазкур кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 11,1 фоизга камайган. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) улуши эса 20,0 фоизни, бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 8,0 фоизга кўпайган. Хизматлар соҳасининг улуши 34,7 фоизни ташкил этган бўлиб, мазкур соҳанинг улуши 2010 йилга нисбатан 3,1 фоизга ошган.

Вилоятнинг туман (шаҳар)ларининг жами саноат маҳсулотлари ҳажмидаги энг юқори улуш Самарқанд шаҳри (жами саноат маҳсулотлари ҳажмидаги улуш 44,6 %), Жомбой тумани (11,6 %), Ургут тумани (9,0 %) ва Самарқанд туман (7,8 %)лари ҳиссасига тўғри келган бўлса, энг паст улуш Қўшработ (0,3 %) ва Нуробод (1,2 %) туманларига тўғри келган.

Минтақа ҳудудларининг айнан бир тармоқ бўйича ихтисослашув коэффиценти минтақа ҳудудларида шу тармоқнинг ривожланганлик даражасини таҳлил қилиш имконини беради.

Шунинг учун ҳудудларнинг маълум бир тармоқ бўйича ихтисослашув даражасини аниқлашда қуйидаги методдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир⁸.

$$K_{ij} = \frac{q_{ij}}{Q_j} \cdot 100 \div \frac{q_i}{Q} \cdot 100$$

Бу ерда: K_{ij} - j - ҳудуднинг i - тармоқ бўйича ихтисослашув коэффиценти, q_{ij} - j - ҳудуднинг i - тармоқ ишлаб чиқариш ҳажми, q_i - ҳудудда i - тармоқ жами ишлаб чиқариш ҳажми, Q_j - j - ҳудуднинг жами ишлаб чиқариш ҳажми, Q - ҳудудда жами ишлаб чиқариш ҳажми.

1-жадвал

Самарқанд вилояти ҳудудларининг саноат тармоқлари бўйича ихтисослашув даражаси⁹

Саноатлашув даражаси паст ($K_{ij} < 2$)	Саноатлашув даражаси ўрта ($2 \leq K_{ij} < 5$)	Саноатлашув даражаси юқори ($5 \leq K_{ij}$)
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашбўйича		
Самарқанд ш., Каттақўрғон ш., Оқдарё, Булунгур, Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон, Нарпай, Пайарик, Пастдарғом, Нуробод, Ургут	Қўшработ	Пахтачи, Самарқанд, Тайлок
Ишлаб чиқарадиган саноат		
Самарқанд ш., Каттақўрғон ш., Оқдарё, Булунгур, Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон, Қўшработ, Нарпай, Пайарик, Пастдарғом, Пахтачи, Самарқанд, Нуробод, Ургут, Тайлок		
Электр, газ, буг билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш		
Пастдарғом, Тайлок		Самарқанд ш.
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш		
Каттақўрғон ш., Жомбой, Каттақўрғон, Нарпай, Пастдарғом, Самарқанд, Ургут		Самарқанд ш.

Таҳлиллар натижалари 1-жадвалда келтирилган бўлиб, бунда вилоят ҳудудларининг саноат тармоқлари бўйича ихтисослашув даражаси бўйича шартли равишда гуруҳларга ажратилган.

⁸ Васильева А.В. Методика формирования статистической совокупности регионов-конкурентов // Практический маркетинг журнал, №3. 2010. с. 3.; Васильев А.Н. Экономические проблемы регионов и отраслевых комплексов // Проблемы современной экономики Евразийский международных научно-аналитический журнал, № 2 (30), 2009, с. 1-8.; Рисин И.Е., Трещевский Ю.И. Экономические условия формирования кластеров в региональном социально-экономическом пространстве ЦФО // Вестник ВГУ. серия: экономика и управление. 2015. № 3, с. 103-107

⁹Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида ишлаб чиқилган.

Аксарият ривожланаётган мамлакатларда саноат салоҳиятини янада ривожлантириш ва унга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, инновацион ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий асосларини такомиллаштириш, иқтисодий салоҳиятини баҳолаш, бошқариш механизмларининг замонавий ҳолати ва тенденцияларини аниқлаш ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Дарҳақиқат, саноат салоҳиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар мавжуд. Жумладан, саноат маҳсулотлари ҳажми (Q_s), саноатда меҳнат унумдорлиги (M_u), саноатда фойдаланилаётган асосий фондлар самарадорлиги (A_s), саноатга киритилган инвестициялар самарадорлиги (I_s) ва саноатда инновацион салоҳият (I_h) кўрсаткичларини киритиш мумкин.

Демак, саноат салоҳиятини юқоридаги кўрсаткичлар ташкил этадиган бўлса, у ҳолда саноат салоҳияти (S_s)нинг математик ифодасини қуйидагича келтириш мумкин.

$$S_s = \sum(Q_s + M_u + A_s + I_s + I_{ns})$$

2-жадвал

Самарқанд вилояти ҳудудларининг саноат салоҳиятини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар¹⁰ (2020 йил)

№	Ҳудуд	Q_s (млрд. сўм)	MR (минг нафар)	A_s (млрд. сўм)	I_h (млрд. сўм)	M_u	A_s	I_s
1	Самарқанд ш.	8052,5	46,3	4 035,6	2 313,4	2,0	2,0	2,0
2	Каттақўрғон ш.	359,1	5,7	564,0	117,1	0,6	0,6	0,6
3	Оқдарё	334,0	4,7	218,1	89,3	1,5	1,5	1,5
4	Булунғур	519,0	6,5	175,2	34,9	3,0	3,0	3,0
5	Жомбой	2101,1	6,0	575,3	254,3	3,7	3,7	3,7
6	Иштихон	352,2	8,0	152,2	287,1	2,3	2,3	2,3
7	Каттақўрғон	431,5	9,5	36,2	26,9	11,9	11,9	11,9
8	Қўшрабат	45,9	7,2	28,9	617,2	1,6	1,6	1,6
9	Нарпай	596,5	6,6	115,8	74,3	5,2	5,2	5,2
10	Пайариқ	354,5	7,4	27,2	1,2	13,0	13,0	13,0
11	Пастдарғом	582,9	11,5	91,6	128,3	6,4	6,4	6,4
12	Пахтачи	356,6	4,6	51,6	300,7	6,9	6,9	6,9
13	Самарқанд	1402,0	15,8	168,9	272,4	8,3	8,3	8,3
14	Нуробод	212,8	2,9	89,3	166,5	2,4	2,4	2,4
15	Ургут	1629,1	24,7	292,2	792,0	5,6	5,6	5,6
16	Тайлоқ	743,1	3,7	422,2	344,6	1,8	1,8	1,8
Жами:		18072,8	171,1	7044,3	5 820,4	105,6	2,6	2,6

Баҳолаш натижаларига кўра, вилоятнинг туман (шаҳар)лари саноатида меҳнат унумдорлиги юқори бўлганларни Самарқанд шаҳри, Жомбой ва Тайлоқ туманлари ташкил этган бўлса, меҳнат унумдорлиги ўртача бўлган туман (шаҳар)ларни Каттақўрғон шаҳри, Оқдарё, Булунғур, Нарпай, Пастдарғом, Пахтачи, Самарқанд, Нуробод, Ургут туманлари, меҳнат унумдорлиги паст бўлганларни эса Иштихон, Каттақўрғон, Қўшрабат ва Пайариқ туманлари ташкил этди.

¹⁰Муаллиф ҳисоб-китоблари.

Бундан ташқари, саноатга киритилган инвестиция самарадорлигининг юқори даражаси Булунғур, Каттакўрғон, Пайарик туманлари, асосий фондлар самарадорлигининг ўрта даражаси Жомбой, Нарпай, Самарқанд туманлари, асосий фондлар самарадорлигининг паст даражаси Самарқанд ва Каттакўрғон шаҳарлари ҳамда Оқдарё, Иштихон, Кўшработ, Пастдарғом, Пахтачи, Нуробод, Ургут, Тайлоқ туманлари ҳиссасига тўғри келди. Бундай таҳлил натижалари статистик гуруҳлаш усулини қўллаш асносида вилоятнинг туман (шаҳар)ларини саноатда меҳнат унумдорлиги, саноатга киритилган инвестициялар ва асосий воситалар самарадорлиги бўйича гуруҳлаш имконини беради (3-жадвал).

3-жадвал

Самарқанд вилояти ҳудудларининг саноат салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича гуруҳланиши¹¹

№	Кўрсаткич	Юқори гуруҳ ($M_u \geq 100$)	Ўрта гуруҳ ($100 > M_u \geq 50$)	Қуйи гуруҳ ($50 > M_u$)
1	Саноатда меҳнат унумдорлиги	Самарқанд ш., Жомбой, Тайлоқ	Каттакўрғон ш., Оқдарё, Булунғур, Нарпай, Пастдарғом, Пахтачи, Самарқанд, Нуробод, Ургут	Иштихон, Каттакўрғон, Кўшработ, Пайарик
		($I_s \geq 10$)	($10 > I_s \geq 5$)	($5 > I_s$)
2	Саноатга киритилган инвестициялар самарадорлиги	Булунғур, Каттакўрғон, Пайарик	Жомбой, Нарпай, Самарқанд	Самарқанд ш., Каттакўрғон ш., Оқдарё, Иштихон, Кўшработ, Пастдарғом, Пахтачи, Нуробод, Ургут, Тайлоқ
		($A_s \geq 10$)	($10 > A_s \geq 5$)	($5 > A_s$)
3	Саноатдаги асосий воситалар самарадорлиги	Каттакўрғон, Пайарик	Нарпай, Пастдарғом, Пахтачи, Самарқанд, Ургут	Самарқанд ш., Каттакўрғон ш., Оқдарё, Булунғур, Жомбой, Иштихон, Кўшработ, Нуробод, Тайлоқ

Шунингдек, вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (Q)га таъсир этувчи омиллар: саноатга киритилган инвестициялар ҳажми (K), саноатдаги меҳнат ресурслари сони (L), саноатдаги асосий воситалар ҳажми (AV) ҳамда саноат корхоналари сони (SK) каби омиллар таъсирини эконометрик таҳлил қилиш мумкин. Бунинг учун аввало, мазкур омиллар ўртасидаги мультиколлинеарлик мавжудлигини корреляцион таҳлил асосида аниқлаш талаб этилади.

Корреляцион таҳлил натижалари $r(Q;SK)$, $r(K;AV)$, $r(K;SK)$ ва $r(AV;SK)$ коэффицентлари $|r| > 0,7$ тенгсизликни қаноатлантириб, ушбу кўрсаткичлар орасида автокорреляция мавжудлигини кўрсатди.

Шу боис, мазкур кўрсаткичларнинг натижавий кўрсаткичга миқдорий боғлиқлигини чизиқли регрессия тенгнамаси орқали таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Чизиқли регрессия тенгнамасининг умумий кўринишини қуйидагича келтириш мумкин.

$$Q = 4604,9931 + 2,7503K$$

$$(\bar{A} = 49,76\%, R^2 = 0,6255, F = 15,031, t_\alpha = 3,34; t_\beta = 3,88, S_Q = 3607,64),$$

¹¹Муаллиф ҳисоб-китоблари.

$$Q = -67065,707 + 464,4859L$$

$$(\bar{A} = 36,4\%, R^2 = 0,70, F = 21,1, t_\alpha = 4,1; t_\beta = 4,5, S_Q = 3224,7),$$

$$Q = 3266,7731 + 3,273AV$$

$$(\bar{A} = 48\%, R^2 = 0,67, F = 18,7, t_\alpha = 2,22; t_\beta = 4,32, S_Q = 3362,6),$$

$$Q = -2806,0887 + 3,5489SK$$

$$(\bar{A} = 12,79\%, R^2 = 0,95, F = 185,9, t_\alpha = 3,2; t_\beta = 13,6, S_Q = 1266,8).$$

Тузилган регрессия моделларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига омиллар таъсири юқори эканлигини кўрсатди. Аммо, моделларни баҳолаш натижалари эса аппроксимация ҳатолиги 5-7 фоиздан катта, стандарт ҳатолиги ҳам юқори ва Дарбин-Уотсон катталиги талаб даражасида эмаслигини кўрсатди. Шунини таъкидлаш лозимки, одатда ҳар қандай ходисаларда хусусан, иқтисодий жараёнларда ҳам бази омиллар таъсири сезиларли даражада яхшилаш мақсадида омилларни чекли алмаштириш нормасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу боис, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омилларнинг бири-бири билан чекли алмаштириш нормасини ҳисоблаш лозим. Бунинг учун қуйидаги чекли алмаштириш нормаси (MRS) ни ҳисоблаш формуласидан фойдаланилади.

$$MRS_{x_1, x_2} = \frac{\delta x_2}{\delta x_1}$$

бу ерда: MRS_{x_1, x_2} - бир бирлик x_1 омилга тўғри келадиган x_2 омилнинг чекли алмаштириш нормаси, δx_1 - x_1 омилнинг ўзгарган миқдори ($\delta x_1 = x_1^{t_2} - x_1^{t_1}$), δx_2 - x_2 омилнинг ўзгарган миқдори ($\delta x_2 = x_2^{t_2} - x_2^{t_1}$).

4-жадвал

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омилларнинг чекли технологик алмаштириш нормаси¹²

№	Кўрсаткич	$MRS_{K,L}$	$MRS_{K,AV}$	$MRS_{K,SK}$
1	саноатга киритилган инвестициялар ҳажми (K)	0,000640138	0,654202034	0,323380284
		$MRS_{L,K}$	$MRS_{L,AV}$	$MRS_{L,SK}$
2	Саноатда банд бўлган меҳнат ресурслари (L)	1562,162069	1021,969603	505,1724138
		$MRS_{AV,K}$	$MRS_{AV,L}$	$MRS_{AV,SK}$
3	Саноатда фойдаланилаётган асосий воситалар (AV)	1,528579777	0,000978503	0,494312563
		$MRS_{SK,K}$	$MRS_{SK,L}$	$MRS_{SK,AV}$
4	Саноат корхоналари сони (SK)	3,092334471	0,001979522	2,023011502

Таҳлилларга кўра, $MRS_{L,K}$, $MRS_{L,AV}$ ва $MRS_{L,SK}$ ларнинг қийматлари юқорилигини кўрсатди. Яъни, меҳнат ресурсининг ҳар бир бирлигига саноатга киритилган инвестициянинг 1562,6 бирлигини, саноатда фойдаланилаётган асосий воситаларининг 1021,9 биригини ва саноат корхоналарининг 505,2 бирлигини алмаштириш мумкинлигини кўрсатди. Бунда натижавий омил ўзгармайди.

¹²Муаллиф ҳисоб-китоблари.

Умуман олганда ҳудуднинг иқтисодий ўсиши ва барқарор ривожланишига маҳаллий ресурслар ва уларни бошқариш ҳамда уларга таъсир кўрсатувчи омиллар муҳим аҳамият касб этади. Аммо, маҳаллий ресурсларни бошқариш ва фойдаланиш самарадорлиги кўпинча маҳаллий ҳукумат ҳамда ҳудуд аҳолиси (инвестор)нинг ўзаро самарали ҳамкорлигига ҳам боғлиқ бўлади. Демак, ҳудуднинг иқтисодий ўсишига (HIO') таъсир кўрсатувчи омиллар, яъни маҳаллий ҳукумат ва аҳолининг самарали ҳамкорлиги ($MHASH$), демографик дивидент (DD), маҳаллий аҳолининг илмий ва инновацион салоҳияти ($MAIS$), маҳаллий неъматларга бўлган ташқи талаб ($MNTT$), технологиялар ва уларнинг ҳолати ҳамда даражаси (THD), инновация ва инновацион маданият (IIM), инвестиция, уни самарадорлиги ва инвестицион муҳит ($ISIM$) омиллари боғлиқлигини математик модел кўринишида ва иқтисодий модел сифатида (1-расм) қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$HIO' = f(MHASH, DD, MAIS, MNTT, THD, IIM)$$



1-расм. Ҳудуд иқтисодий ўсишига омиллар таъсирининг тузилмавий модели¹³

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳудуднинг иқтисодий ўсиши (G) ялпи ҳудудий маҳсулот ($YaHM$)нинг қўшимча ўзгаришига ($\Delta YaHM$) тенг бўлса,

$$G = YaHM_2 - YaHM_1 \rightarrow G = \Delta YaHM$$

у ҳолда, ЯҲМни ёки соф қўшимча қийматни яратишда аҳамияти тобора ортиб бораётган ҳудудий саноатни таҳлил қилиш ўринлидир. Жумладан, 2020 йилда Самарқанд вилояти ЯҲМи 43834,7 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, шундан тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати 42926,4 млрд. сўмга етган. Бунда саноат (қурилишни қўшган ҳолда)нинг улуши 24,6 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, мазкур кўрсаткич 2010 йида бор йўғи 12 фоизни ташкил этган.

¹³Муаллиф ишланмаси.

Саноат салоҳиятига таъсир этувчи омиллар динамикаси барқарорлигини хусусан, вилоят саноатига киритилган инвестициялар ва саноатда банд бўлган меҳнат ресурсларининг мос равишда жами вилоятда ўзлаштирилган инвестициялар ва жами меҳнат ресурсларига боғлиқ эластиклик коэффицентлари динамикасини таҳлил қилиш лозим. Бунинг учун қуйидаги умумий эластиклик функциясидан фойдаланилади.

$$E = \Delta I \% / \Delta I_j \%$$

Таҳлил натижаларига кўра, 2011-2020 йилларда вилоятнинг Ургут тумани саноатига киритилган инвестиция жами инвестицияга нисбатан эластик эканлиги ҳамда Самарқанд шаҳри саноатида банд бўлган меҳнат ресурслари жами меҳнат ресурсларига нисбатан эластик эканлиги аниқланди.

Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўтган даврда вилоятнинг Ургут тумани саноатига инвестициялар оқими ошганлиги ва Самарқанд шаҳри саноатида янги иш ўринлари кўпайиб борётганлигини кўриш мумкин. Буни вилоятда яратилаётган жами саноат маҳсулотлари ҳажмида ҳар иккала туман (шаҳар)нинг улуши ошиб бораётганлигида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 2020 йилда вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида Самарқанд шаҳри 44,0 фоизни ҳамда Ургут тумани эса 8,5 фоиз улушга эга, мазкур кўрсаткичлар вилоятнинг бошқа туман (шаҳар)ларига нисбатан энг юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Одатда, кўрсаткичлар динамикаси динамик моделлар асосида ўрганилади, яъни динамик моделлар вақт ўтиши билан кўрсаткичлар ўзгаришини кўрсатади.

Иқтисодий қаторлар динамикаси тенденциясини аниқлаш вақтида кўпчилик ҳолларда турли даражадаги полиномлар

$$\hat{y}(t) = \left[a_0 + \sum_{i=1}^k a_i t^i \right]^u \rightarrow (i = -1, 0, 1, \dots, k), \quad (u = -1, 1)$$

ва экспоненциал функциялар қўлланилади¹⁴

$$\hat{y}(t) = \left[e^{a_0 + \sum_{i=1}^k a_i t^i} \right]^u \rightarrow (i = -1, 0, 1, \dots, k), \quad (u = -1, 1)$$

Самарқанд вилоятининг туман (шаҳар) саноатига таъсир кўрсатадиган асосий омиллар ҳисобланган саноатга киритилган инвестициялар ва саноатда банд бўлган меҳнат ресурслари сони динамикасининг вақт омили таъсирида ўзгаришларини ифодалайдиган экспоненциал тренд моделлари ишлаб чиқилди ва мезонлар бўйича баҳоланди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, саноатга киритилган инвестициялар динамикаси вақт омили таъсирида ошиб бориши вилоятнинг Каттакўрғон шаҳри ва Оқдарё, Иштихон, Каттакўрғон Нарпай ҳамда Нуробод туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Вақт омилига нисбатан бошқа омилларнинг таъсири юқорилиги эса Самарқанд шаҳри ва Булунғур,

¹⁴ Alimov R.X., Almuradov A.A., Xomidov S.O. Ekonometrik modellashtirish. O`quv qo`llanma. – T.: IQTISODIYOT, 2019. – 59-60 b.

Жомбой, Қўшработ, Пайариқ, Пастдарғом, Пахтачи, Самарқанд, Ургут ҳамда Тайлоқ туманлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Диссертациянинг “Самарқанд вилоятининг саноат салоҳияти ва унинг ҳудудий ривожланишини эконометрик моделлаштириш ва прогнослаш” деб номланган учинчи бобида вилоят саноати тармоғидаги таркибий ўзгаришлар иқтисодий-математик усуллар орқали таҳлил қилиниб, баҳоланган, шунингдек, вилоят саноати салоҳиятининг иқтисодий ривожланиши эконометрик моделлаштириш асосида таҳлил қилиниб, вилоят саноати салоҳиятининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари прогноз қийматлари ишлаб чиқилган.

Фикримизча, ҳудуд иқтисодиётининг ҳар қандай тармоғи сингари саноат тармоғида ҳам таркибий ўзгаришга таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларнинг самарадорлиги ёки шаклланиши ёхуд ижобий натижа кўрсатиши учун зарурий унсурларни қуйидагича ифодалаш мумкин (2-расм).



2-расм. Ҳудудий саноатнинг таркибий ўзгариш омиллари ва уларнинг шаклланиш манбалари¹⁵

Ҳудудий саноат тармоғи таркибий ўзгаришларини баҳолашда иқтисодчи А.Қосимов¹⁶ тадқиқотларида Россиялик иқтисодчилар¹⁷ томонидан таклиф этилган таркибий кечикиш ва ривожланиш асосида шаклланадиган тузилмавий эгилувчанлик коэффицентидан фойдаланилган.

Демак, саноат таркибий ўзгаришларни ифодаловчи тузилмавий эгилувчанлик коэффиценти қуйидагича ифодаланади.

$$E = N_1 / N_2$$

¹⁵Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁶Қосимов А.А. Саноат тармоғи самарадорлигини ошириш жараёнларини эконометрик моделлаштириш (Сурхондарё вилояти мисолида). док. дисс. (PhD), Т.: КМОСТИ, 2021. – 66-69 б.

¹⁷Плеханова Е.Ф. Оптимизация структурно-динамических процессов в промышленном секторе региона. Автореферат дисс. канд. экон. наук, Ижевск: ИГТУ, 2008. – 10-13 с.; Шевченко И.К., Развадовская Ю.В. Анализ структурно-динамической интенсивности развития отраслей промышленного сектора экономики // Инженерный вестник Дона, №4-2/23. 2012. – 3 с.

бу ерда: E – тузилмавий эгилувчанлик коэффициенти, N_1 – таркибий кечикиш, N_2 – таркибий ривожланиш.

2011-2020 йиллар давомида вилоятнинг барча туман (шаҳар)лари саноатидаги таркибий ўзгаришлар ўртача тузулмавий эгилувчанлик коэффициентлари ($\bar{E} = \sum E/n$) бўйича “мувозанат” мезони билан баҳоланиб, ижобий ўзгаришлар тендецияси кўзатилган. Жумладан, ўртача тузулмавий эгилувчанлик коэффициенти Нуробод (88,9), Тайлоқ (83,7), Пастдарғом (56,3), Пайарик (55,9), Каттақўрғон шаҳри (55,5), Оқдарё (50,0), Иштихон (49,1), Каттақўрғон (34,9), Пахтачи (34,3), Жомбой (31,8), Нарпай (30,0), Қўшработ (28,1), Самарқанд (22,9), Булунғур (21,7), Самарқанд шаҳри (1,0) га тенг бўлган.

